

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

РАСУЛОВА ГУЛБАҲОР АБИДЖАНОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ
(ЎЗБЕКИСТОН ВА ФИНЛЯНДИЯ МИСОЛИДА)**

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримик фанлар)

**Юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2025 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Расулова Гулбахор Абиджановна

Олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олиш масалалари
(Ўзбекистон ва Финляндия мисолида)5

Расулова Гулбахор Абиджановна

Вопросы предотвращения коррупции в сфере высшего образования
(на примере Узбекистана и Финляндии)24

Rasulova Gulbakhor Abidzhanovna

Issues of preventing corruption in the sphere of higher education
(on the example of Uzbekistan and Finland).....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

РАСУЛОВА ГУЛБАҲОР АБИДЖАНОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ
(ЎЗБЕКИСТОН ВА ФИНЛЯНДИЯ МИСОЛИДА)**

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримдик фанлар)

**Юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2025 йил

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Yu711 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилов Баходир Исламович
юридик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кабилов Шариф Рахимович
иқтисод фанлари доктори, профессор

Джураев Ихтиёр Бахтиёрович
юридик фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши курашиш
Агентлиги

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 10 сентябрь куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (64-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871)202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz)

Диссертация автореферати 2025 йил 26 августда тарқатилди.
(2025 йил 26 августдаги 29-рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

В.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда олий таълим соҳасидаги коррупция глобал миқёсдаги жиддий муаммолардан бири сифатида эътироф этилиб, БМТ, ЮНЕСКО ва Transparency International каби халқаро ташкилотлар олий таълим тизимида шаффофлик, холислик ва очиқликни таъминлашни барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг муҳим ва ажралмас шарти сифатида қайд этмоқдалар. 2024 йилги Transparency Internationalнинг “Коррупцияни қабул қилиш индекси” (CPI)га кўра, дунё мамлакатларининг 25 % дан ортиғи таълим соҳасида коррупцияга оид юқори хавф остида қолаётганлигини таъкидламоқда¹. ЮНЕСКОнинг тадқиқотларига кўра, ривожланаётган давлатларда олий таълим соҳасига ажратилган маблағларнинг 10–30 % мансабдор шахслар ўртасида тақсимланиб кетаётганлиги, бу эса олий таълим сифатини таназзулга учратиб, ижтимоий адолат ва ишончни сусайтиришга сабаб бўлаётганлиги², олий таълим соҳасида ушбу салбий иллатларнинг олдини олиш ва уни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурати бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда олий таълимдаги коррупция академик ҳалоллик ва билим сифатига салбий таъсир қилиб, кадрлар тайёргарлиги ва жамият тараққиётининг ривожига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Жумладан, 2024 йилдаги Friedrich-Alexander-Universitätнинг тадқиқотларига кўра, 179 та давлатдан бор-йўғи 10 тасида коррупциядан ҳоли бошқарув тизими мавжуд бўлиб, 23 та давлатда эса академик эркинлик коррупция сабабли чекланганлиги таъкидланмоқда³. Финляндия эса 2024 йилда коррупция даражаси энг паст бўлган мамлакатлардан бири сифатида қайд этилиб, CPI рейтингига 88 балл билан етакчи 2-ўринни эгаллаб келмоқда⁴. Ушбу мамлакатда олий таълим тизимида ҳисобдор бошқарув, тенг имкониятлар, шаффоф ва мустақил таълим коррупциянинг олдини олишда самарали восита сифатида фаол қўлланилиши билан халқаро рейтингларда юқори ТОП-100 талик ўринда туриши билан изоҳланмоқда⁵. Шу сабабдан ҳам, “Финляндия модели”ни ўрганиш ва уни миллий амалиётга тадқиқ этиш зарурати, мазкур танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб бермоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, рақамлаштириш ва шаффоф бошқарувни жорий этиш бўйича қатор қонуний ва институционал чоралар амалга оширилмоқда. Жумладан, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2023 йилги ҳисоботига кўра, умумий 3 545 та мурожаатдан 511 таси (15,5%) таълим соҳасига тааллуқли бўлиб, 2024 йилнинг биринчи чорагида ушбу соҳада 52 та коррупциявий

¹Transparency International (2024). Corruption Perceptions Index. <https://transparency.org>.

² UNESCO (2023). Global Education Monitoring Report. <https://unesco.org>.

³ <https://www.fau.eu/research/collaborative-research/eu-collaborative-projects/>.

⁴ <https://www.transparency.org/en/cpi/2024>.

⁵ https://www.universityguru.ru/universitety-helsinki#google_vignette.

жиноят аниқланганлиги долзарб вазифалигича қолмоқда¹. Бундан ташқари, олий таълим соҳасида инсон омилини камайтириш мақсадида жорий этилган рақамлаштириш чоралари, хусусан, тест натижаларига асосланган автоматлаштирилган танлов тизими ва 35 турдаги ҳужжатларни электрон расмийлаштириш орқали мурожаатлар сони 2,2 баробарга камайганлиги², шу билан бирга, соҳадаги умумий вазият ҳали ҳамон 27–39% билан энг коррупциялашган йўналишлар қаторида қолмоқда. Бу эса ўз навбатида, дунёда олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида етакчи ўринда турган Финляндия давлатининг шаффоф бошқаруви, жамоатчилик назорати, жамият олдидаги ҳисобдорлиги ва рақамли технологияларга асосланган илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида олий таълим соҳасини янада ривожлантириш доирасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, рақамли бошқарув механизмларини кенг жорий этиш ҳамда жамоатчилик иштирокини кучайтириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2023), “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (2017), “Таълим тўғрисида”ги (2020), “Педагог мақоми тўғрисида”ги (2024), “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги (2024) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2019), “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2021), “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2025) Фармонлари, “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2024), “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2025) қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини

¹ Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2023 йил ҳисоботи ва 2024 йил статистик маълумотлари/. <https://anticorruption.uz>.

² <https://president.uz/uz/lists/view/7924>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгаш йиғилишидаги маърузаси. //05.03.2025 йил.

шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий ҳуқуқшунос олимлар Б.Ахроров, А.Бурханов, Р.Зуфаров, Б.Исмаилов, Е.Коленко, Г.Нурмухамедова, Ш.Қобилов ҳамда бошқалар коррупция ва унинг моҳияти, унинг шакллари ва унга қарши курашишга оид самарали механизмлар каби масалаларни муайян даражада илмий жиҳатдан тадқиқ этганлар. Жумладан, И.Жўраев олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришни, Р.Мирзаев таълим тизимида коррупцияга қарши курашишнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини, М.Абдуллаева халқ таълимида коррупциянинг олдини олиш масалаларини, З.Қўчқоров олий таълимда коррупцияга оид хавф-хатарларни аниқлаш ва бартараф этиш масалалари бўйича илмий изланиш олиб борганлар. Шу билан бирга, А.Атажанов суд тизимида коррупция ҳолатларини, У.Алоев қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашни, О.Исмоилов коррупцион йўналишдаги латент жиноятларни фош этиш усулларини такомиллаштиришни, Т.Кенжаев қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини, С.Маманов коррупцияга қарши курашишда комплаенс назорат тизимининг ўрни ва аҳамиятини, Б.Исмоилов коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришни, М.Мухаммадиева фуқаролик жамияти институтларида коррупцияга қарши курашишни, Т.Сафаров идоравий коррупцияга қарши курашиш механизмларини, Ф.Ғайбуллаев олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни илмий таҳлил қилганлар. Шу билан бирга, Ш.Раҳманов ва Р.Уринбаевлар томонидан Финляндиянинг Хельсинки университетида олиб борилган илмий тадқиқотларида халқаро аксилкоррупциявий ҳуқуқий нормаларнинг ўзига хос хусусиятларини, мамлакат қонунчилигини, унинг ҳолатларини бошқа давлатларнинг ҳуқуқий нормалари билан қиёслаганлар, Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимида ушбу турдаги жиноятларнинг содир қилиниши, коррупциянинг кенг тарқалиши сабаб ва оқибатларининг боғланиш омилларини кўрсатиб берганлар, амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича ўзларининг таклифларини тақдим қилганлар. Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимида коррупциявий жиноятларнинг содир қилиниши, коррупциянинг кенг тарқалишининг сабаб ва оқибатлари, боғланиш омилларини кўрсатиб берганлар, амалдаги миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича ўзларининг таклифларини тақдим қилганлар.

Соҳада коррупция масалалари яқин хорижий давлатлар олимлари А.Осипян, Е.Шмидт, А.Фадеев, Е.Ларкина, В.Жилкин, Ф.Шурыгин томонидан ҳамда олий таълимда коррупциянинг олдини олиш масалалари S.Heyneman, J.Hallak, M.Poisson, D.Chapman, M.Kirya, T.Ogrodzinska, S.Tanaka, R.Kroeze, P.Temple, M.Edwards, A.Weder, L.Segal ва J.Washburnларнинг тадқиқотларида ҳам илмий жиҳатдан ўрганилган.

Финляндияда эса олий таълим соҳасида жиноятчиликни олдини олиш, таълимнинг сифати, юқори рейтинг кўрсаткичларига эришиш масалалари S.Melander, J.Borland, M.Friedman, M.Helminen, A.Laine, J.Husa, A.Salminen, O.Viinamaki, P.Suomessa, M.Joutsen and J.Keranen, E.Konttinen, K.Pekka ва бошқалар томонидан илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган¹. Бироқ, бугунга қадар Ўзбекистонда олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олиш масалалари Финляндия мисолида комплекс равишда тадқиқ этилмаганлиги ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини ифодалайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган, “Коррупция муаммолари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган (2022-2025 й).

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олиш масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда коррупцияга оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим соҳасига оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш орқали олий таълим соҳасига оид коррупция ва коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тушунчаларининг таърифини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон ва Финляндия олий таълим муассасалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва уни ташкил этишнинг самарали механизмларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг соҳада коррупциявий ҳолатларни олдини олиш борасидаги фаолиятини таҳлил қилиш ва мавжуд муаммолар юзасидан тақлифлар бериш;

Ўзбекистон ва Финляндия олий таълим муассасаларининг ваколатлари ва ҳуқуқий мақоми, уларни ривожланиш истикболлари ва фаолият юритиш услубларини ўрганиш;

Финляндия олий таълим фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ва мамлакатимиз олий таълим соҳасига мос жиҳатларини жорий қилишни тавсия этиш;

Финляндия олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва академик ҳалоллик масалалари бўйича илғор тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

Финляндия тажрибасига асосланган ҳолда олий таълим соҳасига рақамли технологияларни жорий этишга доир тақлифларни ишлаб чиқиш;

олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини таҳлил қилиш;

Финляндиянинг олий таълим соҳасидаги очиклик ва шаффофликка оид илғор тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш орқали Ўзбекистон

¹ Бу ва юқоридаги бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Республикаси олий таълим соҳасининг ташкилий-институционал асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон ва Финляндия тажрибаси асосида олий таълимда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олишни таҳлил қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон ва Финляндия норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти бўйича концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий, тизимли-тузилмавий, юридик, қиёсий-ҳуқуқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, сўровнома, статистик маълумотлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ва Финляндия олий таълим соҳаси қиёсий таҳлил қилиниши натижасида муқаддам судланган шахсларнинг олий таълим соҳасида раҳбарлик лавозимларига тайинланишининг тақиқланиши ва бундай тайинловларни олдини олиш ҳамда чеклашни қонунчилик ҳужжатларида жорий этилишининг ижобий натижалари илмий асослантирилган;

давлат олий таълим ташкилоти ходимлари ўз манфаатларини жамоат манфаатлари билан уйғунлаштириши ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиши, адолатли бошқарувни таъминлаш учун давлат олий таълим ташкилотлари ходимлари ўз меҳнат фаолиятини амалга ошираётган олий таълим ташкилоти ёки бошқа ташкилотларда шахсий манфаатларга таъсир этувчи ишларда иштирок этишини тақиқлаш зарурлиги илмий исботланган;

давлат олий таълим ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида одоб-ахлоқ комиссиялари ва махсус бўлинмаларнинг манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича фаолиятини ташкил этиш, улар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган зарурат илмий жиҳатдан асослантирилган;

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида Финляндиянинг олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олишдаги ҳуқуқий саводхонликка доир илғор тажрибаси асосида “Аксилкоррупция коворкинг” марказларини ташкил этишнинг профилактик, тарбиявий-ҳуқуқий аҳамияти, ёшлар онгида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши илмий асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“олий таълим соҳасида коррупция”, “олий таълимда коррупциявий ҳуқуқбузарлик”, “олий таълимда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар шакли”, “академик ҳалоллик” тушунчаларига назарий-ҳуқуқий муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасаларини ҳалол, пок виждонли шахслар томонидан бошқарилиши ва таълим бериш зарурати ҳақида Ўзбекистон Республикаси

“Таълим тўғрисида”ги қонунининг 26, 28-моддаларига ўзгартириш киритишга оид қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

давлат олий таълим ташкилотининг ходими ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда ўзига тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқишда ёки ўзига алоқадор шахсларга тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқишда вакил сифатида иштирок этишини чеклаш зарурати ҳақида Ўзбекистон Республикаси “Манфаатлар тўқнашуви” тўғрисидаги Қонунининг 8-моддаси 1-қисмига ўзгартириш киритишга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

давлат олий таълим ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида одоб-ахлоқ комиссиялари ва махсус бўлинмаларнинг манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича фаолиятини ташкил этиш, улар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган зарурат бўйича Ўзбекистон Республикаси “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижасида олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олиш, академик ҳалолликни таъминлаш, олий таълим муассасаларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш орқали халқаро рейтингларга кириш зарурати мавжудлигини инобатга олиб, “Академик ҳалоллик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Жаҳонда, жумладан Финляндия тажрибасида университетлар олий таълимнинг асосий тузилмавий бирлиги сифатида фаолият юритиши, уларда академик ҳалоллик устувор қадрият сифатида эътироф этилиши ҳамда Ўзбекистонда 160 га яқин университет мавжудлигини инобатга олган ҳолда, академик мустақилликни таъминлаш, халқаро стандартларга мос бошқарувда, таълим ва илмий фаолиятда ташқи аралашувни чеклаш зарурати мавжудлигини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини замонавийлаштириш ва институтционал-ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган “Олий таълим муассасалари тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2017 йилдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 937- сонли қарорига: олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, адолат, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, таъмагирликка чек қўйишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларида коррупциянинг олдини олиш ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришни инобатга олиб, ёшлар иштирокида аҳолининг

ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган “Аксилкоррупция коворкинг” марказлари Концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда миллий қонунчилик нормалари, халқаро стандартлар, Ўзбекистон ва Финляндия ҳамда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек, сўровномалар, сайтда эълон қилинган статистик маълумотлардан фойдаланилган. Тадқиқ этилаётган муаммо бўйича 300 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар, талабалар, олий таълим муассасаларининг 200 нафарга яқин “комплаенс-назорат” тузилмалари ходимлари ўртасида сўровномалар олиб борилган. Олинган хулосалар, таклифлар ва тавсиялар апробациядан ўтказилган ва етакчи миллий ҳамда халқаро нашрларда чоп этилган. Натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унда белгиланган хулосалар, тавсиялар Ўзбекистон олий таълим соҳасидаги мутахассисларнинг меҳнат фаолиятини тизимли ва самарали ташкил этиш, соҳада коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг юзага келиш сабаблари ўрганилган илмий-назарий манба ҳисобланади. Тадқиқот натижалари олий таълим тизими ходимларининг меҳнат фаолиятини рақамлаштиришда хизмат қилади, ҳамда соҳани такомиллаштиришга қаратилган янги тадқиқотларни амалга ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан олий таълим муассасалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда, такомиллаштиришда, қонун ижодкорлиги фаолиятида, соҳа ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалишига хизмат қилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформаси ҳамда барча олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида, “Коррупцияга қарши курашиш”, “Коррупциянинг олдини олиш”, “Манфаатлар тўқнашуви” каби модулларда ўқув машғулотларини ташкил этишда, ўқув қўлланмалар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

Ўзбекистон ва Финляндия олий таълим соҳаси қиёсий таҳлил қилиниши натижасида қасддан содир этилган жиноят учун муқаддам судланган шахсларнинг таълим соҳасидаги республика ҳамда ҳудудий бўлинмаларнинг раҳбарлик лавозимларига тайинланишининг тақиқланиши, шу билан бирга келгусида таълим ташкилотларининг раҳбарлик лавозимларига тайинланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 26, 28-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда инобатга олинган. (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти*нинг 2024 йил 22 ноябрдаги 3/08-230-сонли далолатномаси).

Ушбу таклиф ёш авлодга ҳалол, виждонли, жиноий жавобгарликка тортилмаган шахсларнинг таълим бериши ва самарали бошқарувни таъминлашга, олий таълим тизими раҳбариятига коррупциявий ҳуқуқбузарликларга мойиллиги бўлган шахсларни тайинланишининг олдини олишга хизмат қилган;

давлат олий таълим ташкилоти ходимлари ўз манфаатларини жамоат манфаатлари билан уйғунлаштириши ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиши, адолатли бошқарувни таъминлаш учун давлат олий таълим ташкилотлари ходимлари ўз меҳнат фаолиятини амалга ошираётган олий таълим ташкилоти ёки бошқа ташкилотларда шахсий манфаатларга таъсир этувчи ишларда иштирок этишини тақиқлаш зарурлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси “Манфаатлар тўқнашуви” тўғрисидаги Қонунининг 8-моддаси 1-қисми 7-хатбошисини ишлаб чиқишда инобатга олинган. (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024-йил 9-сентябрдаги 3/08-168-сонли далолатномаси*). Мазкур таклифнинг жорий этилиши олий таълим соҳасида ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва олий таълим муассасалари ҳамда таълим ташкилотларида коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олишга хизмат қилган;

давлат олий таълим ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида одоб-ахлоқ комиссиялари ва махсус бўлинмаларнинг манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича фаолиятини ташкил этиш, улар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган зарурат тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви” тўғрисидаги Қонунининг 10-моддаси 1-қисми 5-хатбошисини ишлаб чиқишда инобатга олинган. (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024-йил 9-сентябрдаги 3/08-168-сонли далолатномаси*). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши олий таълим соҳасидаги ташкилотлар ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, олий таълим ташкилотларида коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг бартараф этилишига кўмаклашган;

Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг “Аксилкоррупция коворкинг” марказлари олий таълим жараёнида коррупция кўринишларининг олдини олиш, ҳалоллик ва шаффофлик тамойилларини тарғиб қилиш, ёшлар онгида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, аҳолининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунидан хабардорлик даражасини ошириш тўғрисидаги таклиф Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2024 йил 26 июнда “Аксилкоррупция коворкинг” марказлари концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги 220-сонли буйруғини ишлаб чиқиш жараёнида инобатга олинган. (*Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024 йил 9 сентябрдаги 03/23-2618-сонли*

далолатномаси). Ушбу таклиф ёшлар кўмагида мамлакатимизда коррупциянинг олдини олишга қаратилган тадбирларни самарали ташкил этиш орқали аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатини шакллантиришга ижобий хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 14 та илмий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 10 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 таси монография, 19 таси илмий журналларда, 4 таси халқаро нашрда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, 9 та параграф, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, натижаларнинг нашр этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ва уларни олдини олишнинг илмий-назарий масалалари” деб номланган биринчи бобида** олий таълим соҳасида коррупция, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тушунчаси ва бу борада хорижий ва миллий олимларнинг илмий-назарий қарашлари, коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги миллий қонунчилик амалиёти, халқаро стандартлар, хорижий давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти, мавзуга доир назарий-ҳуқуқий қарашлар ва унинг ривожланиши ўрганилган.

Диссертант томонидан таълимда ахлоқ, шаффофлик ва ҳалоллик бўйича Европа Кенгаши платформаси (ETINED) “Таълим соҳасидаги фирибгарликка қарши курашишга оид 2022 йил тавсиялари”га кўра, таълимда коррупцияга қарши курашишдан кўра, унинг олдини олишга қаратилган превентив чораларни қўллаш устувор аҳамиятга эга эканлиги баён этилган. Шу билан бирга Халқаро Transparency International ташкилотининг Глобал Коррупция Барометри маълумотларига кўра, 2022 йилда ўтказилган сўровномада респондентларнинг 13% ўқитувчилар маъмуриятга пора бериши

мумкинлигини маълум қилганлиги, бу эса мансабдор шахсларнинг қуйи қатламга босими кучайиб бораётганини кўрсатиб, олий таълимда ривожланишга ажратилган маблағларнинг 30% коррупция сабабли йўқотилиши долзарб муаммога айланаётганлиги изоҳлаб ўтилган.

Муаллифнинг фикрича, сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги таъкидлаб ўтилган. Ушбу ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида, Ўзбекистонда илк бор, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида 2020 йилда “12.00.12 – Коррупция муаммолари (юридик фанлар)” ихтисослиги бўйича Илмий кенгаш фаолияти йўлга қўйилганлигини, мазкур ихтисослик доирасида коррупция муаммолари жиноят, жиноят-процессуал ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутадиган илмий тадқиқот ишларини амалга ошириб келинаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Хусусан, диссертант томонидан Ўзбекистондаги давлат олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш билан бирга, хусусий ва нодавлат олий таълим муассасаларига ҳам эътибор қаратилганлиги, жумладан, 2023 йил май ойида олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан Ўзбекистондаги айрим нодавлат олий таълим муассасаларида лицензия талаблари бажарилганини ўрганиш тўғрисида буйруқ чиқарилганлиги, унга кўра, Туркистон янги инновациялар университети, Наманган халқаро университети, Ренессанс университети ва Тошкент технологиялар университети каби бир нечта хусусий олийгоҳда текширув ўтказилганлиги баён этилган. Жумладан, мазкур олий таълим муассасаларининг барчасида турли камчиликлар аниқланганлиги, вазирлик текширув ўтказиш учун Адлия вазирлигининг 2023 йил 24 февралдаги хатини асос қилиб келтирилганлигини, бу хатда Адлия вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига [lisence.gov](https://lisence.gov.uz) сайтидаги 3 та (132045, 140090, 149994 сонли) аризани бекор қилиш Адлия вазирлиги томонидан эмас, балки суд қарори билан бўлишини тушунтирилганлиги каби ҳолатлар таҳлил қилинган.

Диссертант томонидан олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олиш масалалари борасида ҳуқуқшунос олимлар (*И.Джурраев, Б.Исмаилов, Р.Мирзаев, З.Қўчқоров*) фикрлари асосида таҳлил қилиниб, унинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Хусусан муаллиф, талабаларга ахлоқий таълим-тарбия бериш, коррупцияга қарши таълим, болалар ва ёшлар таълим оладиган муҳит уларнинг муносабатларини шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши кераклигини илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берган. Шу билан бирга, “*олий таълим соҳасидаги коррупция*” тушунчасини аниқлаш бўйича турли ёндашувларни таҳлил қилган. Жумладан, “*олий таълим соҳасида коррупция*” ва “*олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарлик*” тушунчалари ўртасидаги нисбат бўйича олимларнинг позициялари (*Stefen Heyneman, Frenk Anekyariko, Djeys B. Djejkobs, A.Osipian, Ati Laitinen*) кўриб чиқилган ва баҳс-мунозарага киришилган.

Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий-назарий қарашларини инобатга олган ҳолда, шу билан бирга *тадқиқотчи З.Қўчқоров* томонидан “олий таълим соҳасида коррупция”, “олий таълим соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарлар”, “коррупциявий омил”, “олий таълим соҳасидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар шакллари”, “олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш (*аниқлаш ва баҳолаш*)” тушунчаларига ишлаб чиқилган назарий-ҳуқуқий таърифларни ўрганган. Шу билан бирга “олий таълим соҳасида коррупция”, “олий таълим соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарлик”, “олий таълим соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарлик шакллари”, “олий таълим соҳасида академик ҳалоллик” тушунчаларига таърифлар ишлаб чиқилган.

Диссертант томонидан, тадқиқот жараёнида олинган хулосалар ва олимларнинг фикрларини ўрганиш натижасида ОТМларини ҳалол, пок виждонли шахслар томонидан бошқарилиши ва таълим бериш зарурати мавжудлигини инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 26, 28-моддаларига ўзгартириш киритишга оид қонун лойиҳаси таклиф этилган. Шу билан бирга, муаллиф томонидан давлат олий таълим ташкилотининг ходими ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда ўзига тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқишда ёки ўзига алоқадор шахсларга тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқишда вакил сифатида иштирок этишини чеклаш заруратига кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви” тўғрисидаги Қонуни 8-моддаси 1-қисмига ўзгартириш киритишга қаратилган қонун лойиҳаси таклиф қилинган. Шунингдек, давлат олий таълим ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида одо-бахлоқ комиссиялари ва махсус бўлинмаларнинг манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича фаолиятини ташкил этиш, улар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган зарурат бўйича Ўзбекистон Республикаси “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига ўзгартириш киритиш таклифи берилган.

Диссертант ***“Ўзбекистон ва Финляндияда олий таълим соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тажрибаси” деб номланган иккинчи бобда*** Ўзбекистон ва Финляндияда олий таълим соҳасидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тажрибаси ҳар икки давлатда турли усул ва механизмлар орқали амалга оширилаётганлигини, Ўзбекистон олий таълим тизимида коррупцияни камайтириш учун бир қатор ташкилий ўзгаришлар бўлганлигини таъкидлаган. Масалан, олий таълим муассасаларига қабул жараёнлари ва имтиҳонлар шаффофлигини таъминлаш учун электрон тизимлар жорий этилганлиги, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича янги қонунлар қабул қилинганлиги, ушбу қонунлар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилгани акс этган.

Муаллиф Финляндия университетлари академик эркинликка асосланган мустақил бошқарув тизимига эга бўлиб, бу таълим ва тадқиқотларда

эркинликни таъминлаши, бундай мустақиллик ички бошқарувда шаффофлик ва жавобгарликни ошириш орқали коррупция хавфини камайтиришга ёрдам беришини кўрсатиб ўтган. Масалан, университетлар ўз бюджетларини мустақил бошқариши, бу эса молиявий шаффофликни таъминлаши батафсил изоҳлаб берилган. Бироқ, университетларнинг мустақиллиги ва унинг коррупцияни камайтиришдаги таъсири бўйича аниқ далиллар чекланганлиги, мамлакатимизда ҳам академик ҳалолликни таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича тадқиқотлар олиб борилаётганлигини таъкидлаган. Шу билан бирга, мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази томонидан олиб борилган таҳлилларда хорижий университетлар тажрибаси ўрганилганлигини, ушбу таҳлилларда академик ҳалолликни таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича турли чора-тадбирлар муҳокама қилинганлигини кўрсатиб ўтган.

Муаллиф Финляндияда мустақил бошқарув коррупциянинг олдини олиш учун керакли шароитларни яратиши, мисол сифатида “Университетлар тўғрисида”ги Финляндия қонунида профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ белгилангандан кейин, уларнинг академик ҳалоллиги ва масъулияти ошиши кўрсатиб ўтилганлигини таҳлил қилган. Шунингдек, Финляндиянинг олий таълим тизимидаги ушбу хусусиятлар, коррупцияни камайтиришдаги самарадорлигини кўрсатиши ва унинг глобал таълим маконидаги обрўсини мустаҳкамлайди. Ушбу масаладаги қонун ҳужжатлари (*Финляндия Конституцияси, “Университетлар тўғрисида” қонуни, “Олий таълим тизими тўғрисида”ги Фармони, Университетларнинг 2030 йилгача бўлган стратегияси, “Хелсинки университетининг коррупцияга қарши сиёсати”, Коррупцияга қарши курашиш Миллий Стратегияси ва 2021-2023 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Режаси тўғрисидаги ҳукумат қарори*)га эътибор берган ҳолда, Финляндиянинг олий таълим соҳасида мустақил бошқариш тизими коррупцияни камайтиришдаги самарадорлигини аниқлаш мумкинлигини изоҳлаб берган.

Диссертант томонидан олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олиш, олий таълим муассасасининг халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллаши бўйича хорижий олимларнинг (*Дж.Халлак, М.Пуассон, М.Кирья, С.П.Хейнеман, Т.Огородзинска* ва бошқалар) ҳамда бошқа тадқиқотчиларнинг (*А.Осипян, Е.Денисова-Шмидт, И.В.Годунов, Е.В.Охотский, В.И.Шульга, И.С.Кнауст*) олий таълимдаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, уларга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фикрлари таҳлил қилинган. Ушбу фикрларни инобатга олган ҳолда, 2030 йилгача коррупциянинг барча кўринишларига қарши курашиш режалаштирилган Финляндияда коррупция ва унинг олдини олиш билан боғлиқ тадқиқотларни амалиётга жорий этиш, ушбу йўналишда иш олиб бориш, коррупцияга қарши халқаро кураш доирасида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти кенгаши, Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича расмий тузилмаларни олдиндан мустаҳкамлаш ва

аниқлаштириш, коррупция ҳақида хабардорликни ошириш, шаффофликни кучайтириш билан боғлиқ қонунчилик фаолиятини ўрганиш зарурати мавжуд деган ҳулосага келинган.

Бундан ташқари, муаллиф томонидан таълимда академик ҳалоллик, очиқлик, шаффофлик, тенглик бўйича халқаро стандартлар, Финляндиянинг 1998 йил 18 июндаги “Олий таълим тизими тўғрисида”ги Фармони ва бошқа ҳужжатларни, шунингдек, илғор ҳуқуқни қўллаш амалиётини жорий этиш зарурати асослангандир. Хорижий тадқиқотчиларнинг (*Ari Salminen, Olli-Pekka Wiinamäki, Piilicorruptio Finland, Matti Joutsen*) Европа Комиссиясининг 2023 йилдаги Қонун устуворлиги тўғрисидаги ҳисоботи, Финляндиянинг коррупцияга қарши курашиш миллий стратегиясини амалга оширишдаги сезиларли ютуқлари, Комиссиянинг Финляндия бўйича мамлакат ҳисоботида коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси ва унинг чора-тадбирлар дастурини амалга оширишдаги сезиларли ютуқларини қайд этиши тўғрисидаги фикрлари қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, бошқа бир гуруҳ олимларнинг (*А.Осибян, Е.Денисова-Шмидт*) олий таълимда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари борасидаги илмий-назарий қарашлари, бир гуруҳ миллий олимларнинг (*Б.Исмаилов, Ш.Кабиров*) олий таълим соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, академик ҳалолликка эътибор қаратиш, таълимда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасидаги илмий ғоялари таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича, Финляндия олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олишга қаратилган асосан “*Хелсинки университетининг коррупцияга қарши сиёсати*” - коррупция соҳасидаги ахлоқ кодексига ўхшаш ҳужжат бўлиб, университет сиёсатини белгиловчи ягона ҳужжат ҳисобланади. 2016 йил 15 декабрда қабул қилинган “*Университетнинг харид қилиш қоидалари*” ва *Коррупцияга қарши курашиш Миллий Стратегияси ва 2021-2023 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Режаси тўғрисидаги ҳукумат қарори* Финляндияда мавжуд, аммо бу кўпроқ ҳукуматнинг умумий сиёсати бўлиб, олий таълим соҳасида коррупция ҳақида алоҳида ҳужжат мавжуд эмас.

Диссертант олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Финляндияда “Академик ҳалоллик институти” муҳим аҳамият касб этишини баён этган. Финларда олий таълимни коррупциядан ҳоли соҳага айлантириш борасида эришган ютуқларини инобатга олган ҳолда, уларнинг илғор тажрибасини, энг аввало, “Академик ҳалоллик институти”ни Ўзбекистон олий таълими ва олий таълимдан кейинги таълим тизимига жорий этиш зарур деган таклифни илгари сурган. Шу билан бирга, “Академик ҳалоллик институти” олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш, таълим ва илмий тадқиқот жараёнларида адолат, шаффофлик ва ахлоқ тамойилларини таъминлаш, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим тизимининг самарадорлигини ошириш ҳамда академик стандартларни мустаҳкамлаш мақсадида жорий этилишини асослаб берган.

Бундан ташқари муаллиф томонидан Ўзбекистонда академик ҳалолликни таъминлаш мақсадида: барча ОТМларида академик ҳалолликни таъминлаш мақсадида одоб-ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш, унда плагиат ва коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ қоидаларни белгилаш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун академик ҳалоллик, муаллифлик ҳуқуқи ва плагиатни олдини олиш бўйича мунтазам хорижий экспертлар иштирокида семинар – тренинг ва вебинарлар ташкил этиш, ОТМларда плагиатни аниқлаш учун замонавий дастурий таъминотларни жорий қилиш ва электрон таълим платформаларига интеграция қилиш таклиф қилинган. Шу билан бирга, ОТМларда академик ҳалоллик соҳасидаги замонавий тенденцияларни амалиётга жорий қилиш ва натижаларини таҳлил қилиш, бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Академик ҳалоллик тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги баён этилган.

“Олий таълим тизимида коррупциянинг олдини олишга қаратилган миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари” деб номланган учинчи бобда миллий қонунчилик нормалари, ташкилий, ҳуқуқий муаммолар тадқиқотчи томонидан комплекс ўрганилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларидан келиб чиққан ҳолда қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш зарурияти асослантилган.

Муаллиф томонидан олий таълим соҳасини коррупциясиз соҳага айлантириш мақсадида ишлаб чиқилган “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан аввалги ва 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харита”лари таҳлил қилинган. Мазкур таҳлилларга кўра, коррупциявий жиноятлар бўйича судга юборилган ишларнинг ҳар 3 тасидан бири олий таълим соҳасига тегишли эканлиги, жиноятлар аввалги йилларга нисбатан 120 % га ошганлигини, “Йўл харита”си лойиҳасида олий таълим тизимида фаолият шаффофлигини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш каби бир қатор муҳим вазифаларни таҳлил қилинган. Унга кўра, сўнгги уч йилда олий таълим муассасалари тизимида бир қатор ижобий ютуқларга эришилганлигини, 2023 йилда 7 та янги олий таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг сони жами 211 тага етганлиги, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 % дан 42 % га ошганлигини, QS “Фан соҳалари рейтинги” да 2 та олийгоҳ 4 та фан соҳалари бўйича “ТОП-500”, “QS Осиё университетлари рейтинги 2024” рўйхатида 14 та олийгоҳ “ТОП-1 000”, “QS Sustainability Rankings – 2024” рейтингда 3 та олийгоҳ “ТОП-1 000” университетлар рўйхатига киритилганлигини статистик маълумотлар ва мисоллар асосида таҳлил қилиб берилган.

Диссертант томонидан ушбу бобда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонида кўра, коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич ошириб

бориш, олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, хуудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 % дан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳозирги кунда ижобий натижа бераётганлигини илмий асослантириб берилган.

Муаллиф Ўзбекистонда амалга оширилаётган аксилкоррупция фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Бош прокуратура, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, тегишли олий таълим муассасалари ҳамда БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси билан биргаликда GRACE ташаббуси тақдимотини ташкил этилганлигини, диссертант томонидан “Аксилкоррупция коворкинг” марказлари концепцияси ишлаб чиқилиб, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этилганлигини, GRACE ташаббусини қўллаб-қувватлаш орқали олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олишга эришиш мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб берилган.

